

ЭКО ДИЗАЙН ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МАТОЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11530190>

ТТЕСИ, “Костюм дизайни” кафедраси
katta o'qituvchi **К.Р.Фузаилова**

Ушбу мақолада эко дизайн тарихи, унинг бугунги кундаги аҳамияти ва унда қўлланилган матоларнинг хусусиятлари таҳлил этилди. Шунингдек, жаҳон брендлари томонидан яратилган эко дизайн бўйича таҳлил олиб борилди.

В данной статье проведён анализ истории эко дизайна, её значимость на сегодняшний день и особенности тканей используемых в эко дизайне. А также, проведён анализ эко дизайна мировых брендов.

This article analyzes the history of eco-design, its significance today and the features of the fabrics used in it. An analysis of the ecological design of global brands was also carried out.

Ўзбек миллий табиий матоларимиз қадим даврлардан буён жуда оммобоп бўлган. XIX асрда ҳам ўзбек миллий кийимларини тикишда ишлатиладиган асосий матолар сирасига ип-газлама, ипак, нимшойи ва жун газламалар бўлган. Хомашёнинг мўллиги ва арзонлиги Моваруннахр шаҳарларида ипак тўқувчилик, жун тўқувчилик ва бошқа хил матоларни тўқувчилик касб-хунарларини режалаштириш учун қулай шарт-шароитни вужудга келтирди. Тўқувчиликнинг, асосан, икки тури: ҳаммобоп ип газлама тўқувчилиги ва нисбатан қимматроқ ипак тўқувчилиги кўпроқ тараккий этган. Ип газлама матоларини тўқиш билан, асосан аёллар, ипак ва нимшойи газламаларни тўқиш билан эркаклар шуғулланишган. Ип газлама матоларнинг турлари ва навлари жуда хилма хил бўлган. Айниқса, ок жигарранг, сариқ тусли бўзлар кенг тарқалган бўлиб, улар барча ёшдаги кишилар учун чўпонлар, шунингдек ички кийимлар, саллалар тикилган. Эркакларнинг кўйлаклари хом суруп, сидирга чит, содда тўкилган, қалами деп номланган ип газламалардан тикилган. Йўл-йўл ип газлама мато олачалар кўпроқ кишлок тўқувчилари томонидан тўкилиб, чопон тикишга ишлатилган.[1]

Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Наманган ва бошқа шаҳарларда анъанавий ўзбек ипак (канавуз, шойи, хонатлас), нимшойи (беқасам, банорас, адрас) газламалар тўкилиб, улардан тикилган турфа кийимлар ўзига тўқроқ, бой-бадавлат кишилар орасида кийиш расм бўлган.[2]

Қуйида мана шу матоларнинг айримларига бир-икки оғиз таъриф бериб ўтамиз. Беқасам – йўл-йўл газмол бўлиб, ундан эркак аёл ва болалар учун кундалик кийиладиган тўнлар, кўрпа-кўрпачалар тикишда фойдаланилган.

Банорас-беқасамдан ранг турлари билан фарқланиб, ундан аёлларнинг устки кийими бўлмиш паранжи тикилган.

Парипашша – беқасамдан қалинроқ матодирки, у паранжи, шунингдек, чопон тикишда ишлатилган.

Адрас – абр ишлар билан гул солинган нимшойи газмолдир. Шунингдек, кановуз, шойи, хонатлас, гулдор кимхоб, духоба кабилар ҳам кенг қўлланилган.

Шойи ва нимшойи матолар – беқасам, адрас, якрўё, катак шойи, товланма шойи, абршойи ва ҳакозоларга турли-туман гуллар солинган.

Миллий матоларимиз доим экологик тоза маҳсулот бўлганлиги сабабли уларнинг бугунги кундаги аҳамиятига назар ташласак. Табиий миллий матоларни ишлаб чиқариш ҳам эко дизайнни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ушбу соҳанинг муҳим жиҳатидан бири, нафақат табиий матолар ишлаб чиқариш, балки маҳсулотларни қайта ишлаш қобилиятига эга бўлиш демакдир. Қайта ишланган маҳсулотни яратишда иштирок этадиган матолар, нафақат замонавий дизайн тенденциясига, балки турли хил материалларни қайта ишлашга, янги шаклдаги кийим намуналарини яратишга хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳонда жуда кўп миқдорда чиқинди, яъни бир марталик идишлар, қоғозкартон қутичалар ва пакетлар кўп ишлаб чиқарилади. Уларни ишлатиб бўлгач, буюмлар шубҳасиз чиқиндига чиқарилади ва бу чиқиндиларнинг чиримаслигини ҳисобга олсак, атроф муҳит ва экологик мувозанатни бузулишига олиб келади.[3]

Бугунги кунга келиб жаҳон мода индустриясида чиқиндига чиқарилган буюмларни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Бунда бир қатор брендлардан бири H&M, Conscious швед маркаси чиқиндилардан, яъни пластик сувидишлари, қоғоз қутичалар ва эски кийим ёки коллекцияларни қайта ишлаб, янги либос ва аксессуарлар ишлаб чиқара бошлади. Ҳозирги кунда H&M коллекцияларини 20% экологик тоза матолардан иборат. Бренднинг янги

коллекцияси синтетик Бионик составида соҳил бўйи чиқиндиларидан яратилган жуда енгил ва башанг либосларни кўришимиз мумкин.

Ўтган асрнинг 60-йилларида, таниқли Ив Сен Лоран ўз тўпламида ўзбек миллий мотивларини кўллаган бўлиб, шундан бери улар жуда машҳурдир ва ҳозирги кунгача таниқли дизайнерлар коллекцияларида анъанавий ўзбек матолари 3-4 йил оралиғида мунтазам равишда учраб туради.

Масалан, америкалик дизайнер Оскар де ла Рента томонидан 1967 йилда либослар коллекциясида ўзбек миллий матоларининг ишлатилиши, сўнгра 1997-98 йилларда ва 2005 йилда яна шу матоларга мурожаат қилганлиги барчани ҳайратга солди.

Дизайнер Оскар де ла Рента ижодида табиий ипак ва ўзбек матоларидан яратилган либосларни мунтазам учратиш мумкин. У жаҳон дизайнерлари ичида ўзбек миллий матоларидан фойдаланган биринчи кутурье ҳисобланади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган экологик тоза матолар сирасига ипак қуртидан яратиладиган ипак биринчи нав ип газламага айлантрилиб, ипак, адрас, шойи каби матолар тўкилади. Бу матолар инсон кўл меҳнати ёрдамида ҳамда дастгоҳда тўқилганлиги сабабли экологик тоза ва ҳаво ўтказувчан мато ҳисобланади. Ипак қурти бузилган пилласи 2 ва 3 нав ҳисобланади ва ундан бахмал матоси яратилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тоза экологик матолардан маҳаллий дизайнерлар турли услубдаги креатив либосларни дунё бозорига олиб чиқишга ҳаракат қилишмоқда.

Бугунги кунда дизайнерлар эко дизайн соҳасида бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Эко дизайннинг модадаги асосий мақсади табиатни ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва кийим яратилишида табиий толали матолардан фойдалиш демақдир. Ўзбек миллий матолари эса ўз навбатида тоза табиий маҳсулотлар сирасига қиради.

АДАБИЁТЛАР

1 Содикова Нафиса. Ўзбек миллий кийимлари. XIX- XX асрлар Т.: “Шарқ”, 2003 й. -160 б.

2 Г.А. Пугаченкова Л. И. Ремпель. Очерки Искусства Средней Азии. Москва, “ Искусство”1982 г.

3 Ўзбекистон. Наследники Шелкового Пути. Издатели: Кальтер и Маргарета Павалой, 1997 г.

5 Чембаров.Е.А.- аспирант ГОУ ВПО “Нижегородский государственный педагогический университет им. К.Минина” Эко дизайн как новое направление в дизайне. <https://cyberleninka.ru/article/n/ekodizayn-kak-novoe-napravlenie-v-dizayne/viewer>

6 Интернет. <https://www.marieclaire.ru/moda/moda-iz-othodov-zvezdyi-i-dizayneryi-vyibirayuschie-eko-odejdu/>